



## ХОРИЖЛИК ТАЛАБАЛАРДА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ЎТКАЗИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ

Авазязова Дилфуза Шавкатовна

Маъмун Университети “Психология” кафедраси ўқитувчиси

[dilfuzavazyazova@gmail.com](mailto:dilfuzavazyazova@gmail.com)

**Аннотация:** ушбу мақолада глобаллашув жараёнларининг таълим тизимига таъсири натижасида халқаро таълимий муносабатлар ривожланиши ҳақида сўз бориб, хорижлик талабалар сонининг охириги йилларда ошиб бориши бўйича статистик маълумотлар келтирилган. Шунингдек, хорижлик талаба тушунчасининг моҳияти очиқ беришга ҳаракат қилиниб, талабаларнинг яшаш ва таълим олиши билан боғлиқ ижтимоий-психологик муаммолари бўйича олиб борилган психологик тадқиқотлардан намуналар келтирилган.

**Калит сўзлар:** таълим, глобаллашув, ижтимоий-психологик мослашув, методика, ижтимоий кўникма, академик мослашиши, стресс, депрессия, маданиятлараро мулоқот, психологик омил, маданий шок.

**Аннотация:** в данной статье рассматривается развитие международных образовательных связей в результате влияния процессов глобализации на систему образования, а также приводятся статистические данные об увеличении количества иностранных студентов за последние годы. Также, пытаюсь раскрыть сущность понятия иностранный студент, приводятся примеры психологических исследований социально-психологических проблем студентов, связанных с проживанием и обучением.

**Ключевые слова:** образование, глобализация, социально-психологическая адаптация, методика, социальные навыки, академическая адаптация, стресс, депрессия, межкультурная коммуникация, психологический фактор, культурный шок.

**Abstract:** this article discusses the development of international educational relations as a result of the impact of globalization processes on the education system, and provides statistical data on the increase in the number of foreign students in recent years. Also, trying to reveal the essence of the concept of a foreign student, examples of psychological research conducted on the socio-psychological problems of students related to living and education are given.

**Key words:** education, globalization, socio-psychological adaptation, methodology, social skills, academic adaptation, stress, depression, intercultural communication, psychological factor, cultural shock.

Глобаллашув оқибати сифатида халқаро олий таълим манзараси кейинги йилларда ўзгаришларга юз тутяпти. Бутун дунё бўйлаб олий таълим иқтисодий муносабатларнинг тўлақонли субъектига айланиб, чегараларсиз таълим дастури асосида фаолият кўрсатишга ўтилмоқда. Бу эса унинг фаолият юритиш кўлами ва тузилмаси ҳамда вазифаларни фаол ўзгартиришга, янги молиялаштириш манбаларини эгаллашга, янги ўқитиш усулларини излашга, талабалар экспорти ва импортини амалга



оширишга ва билимларни назорат қилишни вазифа қилиб қўяди. Олий таълим муассасаларининг фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, бошқа хориж давлатлари билан талаба алмашинувлари, ҳамкорликда фаолият олиб бориш, қўшма таълим дастурларини жорий қилиш, ижтимоий-маданий муносабатларни йўлга қўйиш имкониятлари ошиб, йилдан йилга ҳар бир мамлакатда маҳаллий талабалар ичида хорижлик талабаларнинг салмоғи ортиб бормоқда. ЮНЕСКО Статистика Институтининг (UIS) 2021 йилги маълумотларига кўра, охириги йигирма йил ичида хорижлик талабалар 1997 йилда 1,9 миллиондан 2019 йилда 6,1 миллионга етган. Бу кўрсаткичлар эса хорижлик талабалар билан боғлиқ ижтимоий-психологик тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини билдиради.

Таълим олишда чегараларнинг йўқолиши кўплаб мамлакатларда олий таълим мазмунига ўзгартиришлар киритиш, эскирган таълим методларидан воз кечиш, таълимни халқаро стандартлар даражасига кўтариш, кредит-модулли таълимни ташкил этиш, ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш асосида бўлажак мутахассисларнинг компетентлигини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада албатта, хориждан кириб келаётган таълим олувчиларнинг жисмоний ва руҳий соғломлиги, уларнинг янги муҳитга, янги академик талабларга нисбатан мослашувчанлигини ошириш, таълимнинг самарадорлигига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Хориж психологлари, социологлари, демографлари томонидан халқаро талабалар бўйича кўплаб тадқиқотлар ўтказилган.

Ўзбекистонда ҳам таълим экспорти ривожланиб, хорижлик талабалар сони йил сайин ўсиб бораётганлигини қайд қилган ҳолда, хорижлик талаба тушунчасининг моҳияти ва бу борада хорижда олиб борилган психологик тадқиқотларни кўриб чиқишга қарор қилдик.

“Хорижлик талаба” (foreign student) атамаси таълим олиш мақсадида хорижга кетган ҳар қандай талабаларга нисбатан қўлланилади. Хорижлик талабалар деганда биз, таълим фаолиятида иштирок этиш мақсадида икки давлат ўртасидаги халқаро чегарани жисмонан кесиб ўтган шахсларни тушунишимиз лозим. Халқаро чегарани жисмоний кесиб ўтишни назарда тутмайдиган турли таълим тизимлари ўртасидаги ҳар қандай трансфер хорижлик талабалар ҳаракатчанлиги сифатида қаралмайди. Масалан: ўз мамлакатада яшаб турган ҳолда бошқа хориж давлатдаги муассасалар томонидан тақдим этиладиган масофавий таълим дастурлари асосида таълим олиб турган шахсларни хорижлик талабалар сафига қўшолмаймиз.

Барча мамлакатларнинг олий таълим сиёсатини ишлаб чиқувчилари талабаларнинг ҳаракатчанлигини тезлаштирадиган ва натижада олий таълимнинг халқаролашувини кучайтирадиган ўзгарувчан шароитлар сирларидан фойдаланишнинг янги усулларини ўйлаб топиш устида ишлашяпти. Масалан, хорижлик талабаларни қабул қилишда Осиёда етакчи рол ўйновчи Хитой университетларида талабалар сони университет таълими сифати, ижтимоий ривожланиш ва ҳар хил турдаги стипендиялар, яъни Хитой ҳукумати, университет ва “MOFCOM” стипендиялари жорий этилиши туфайли ҳар йили ортиб бормоқда.



“Project Atlas Infographics” 2018 йилги маълумотларига кўра, Хитой 489 200 нафар халқаро талабалар билан халқаро талабаларни қабул қилган давлатлар орасида 3-ўринни эгаллаб турибди, Бирлашган Қироллик 506 480 билан 2-ўринда, АҚШ эса 1 094 792 халқароталаба билан биринчи ўринда. Хитой университетларида сифатли таълим бериш ва кўплаб талабаларни тўлиқ молиялаштирилган стипендиялар билан таъминлаш орқали кўпроқ халқаро талабаларни жалб қилмоқда.

Хорижда таълим олиш давомида хорижлик талабалар кўплаб ташқи муҳит ва ички омиллар билан боғлиқ муаммоларни бошдан кечиришади. Таниш бўлмаган ижтимоий-маданий ва таълим муҳитида таълим олиш ҳамда яшаш, стресс, хавотир, кун тартибини ўзгариши, маданий фарқланиш, ёлғизлик, яқинларини соғиниш, озиқ-овқат ва турар жой, тилни билмаслик, дарсларни тушуниш, ижтимоий нормаларни ўрганиш ва турли маданиятларга мансуб одамлар билан мулоқот қилиш каби бир қатор муаммоларга учрайдилар[1]. Шунингдек, хорижий талабалар янги муҳитда ўзларининг маданий ўзига хослигини қандай сақлаш ҳақида қарор қабул қиладилар, бу уларнинг мезбон жамиятга психологик ва ижтимоий-маданий мослашуви учун муҳим аҳамиятга эга[2].

Хорижда таълим олиш талабалар учун ўз ҳаётларидаги қизиқарли, шунингдек, академик, ижтимоий-маданий ва психологик мослашув билан боғлиқ қийинчиликларга бой тажриба бўлиши мумкин.

Хорижлик талабаларни ижтимоий-психологик, ўқув фаолиятига мослашиши бўйича хорижда кўплаб илмий-психологик тадқиқотлар ўтказилган. Хусусан, П.Б.Педерсон (P.B.Pedersen), А.Фернхем (A.Furnham) Америкадаги талабаларнинг маданий шок ҳолатини психологик хусусиятларини, С.Бочнер (S.Bochner) Буюк Британиядаги хорижлик талабаларни мослашувини ўрганган ва “Ижтимоий вазиятлар сўровномаси” (The Social Situation Questionnaire) методикасини, шунингдек, А.Онг (A.Ong) Сингапурда яшаб таълим олувчи хорижлик талабаларни ижтимоий жихатдан қўллаб қувватлашга қаратилган “The Index of Sojourner Social Support” методикасини ишлаб чиққан.

Ж.Лин (Lin.J) тадқиқотлари бўйича, хорижлик талабалар ўзларининг илмий ва ижтимоий ҳаётида диққат тарқоқлиги ва паст мотивация туфайли депрессияга дуч келишади. Чунки уларни доимий равишда мустақил яшаш босими, ёлғизлик ва маҳаллий талабалар билан муносабат ўрната олмаслик каби ҳолатлар безовта қилади [3].

К.Уорд (C.Ward) ва А.Кеннеди (A.Kennedy) тадқиқотларига кўра, атроф муҳитга ижтимоий-маданий мослашуви хорижлик талабаларнинг умумий академик ютуқларида муҳим рол ўйнайди. Бунга “маданиятни ўрганиш ва ижтимоий кўникмаларни эгаллаш”ни қўллаб-қувватловчи турли омиллар таъсир кўрсатади [4].

М.Ли (Li.M) ва Ж.Кемпбелл (J.Campbell) таҳлиллари бўйича, хорижлик талабаларни ўз тенгдошлари, маҳаллий талабалар ва ўқитувчи-профессорлар томонидан қабул қилиниши ва тегишлиликни ҳис қила олишлари уларни академик мослашуви ва муваффақиятига катта таъсир қилади [5].



Ҳозирда Ўзбекистоннинг бир қатор олий таълим муассасаларида хорижлик талабаларнинг таҳсил олаётганлиги сабабли уларнинг янги ижтимоий-маданий муҳитга, ўқув фаолияти талабларга мослашувининг тез ҳамда муваффақиятли кечиши учун психологик кўмаклашишга алоҳида эътибор билан ёндашиш талаби кўйиляпти. Чунки Ўзбекистонда ҳам хорижлик талабаларнинг таълим олишга интилиши йилдан йилга ўсиб бораётганлиги бунга туртки бўлиб хизмат қилади. Бу борада статистик маълумотларга қарайдиган бўлсак, мамлакатимиз олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган хорижлик талабалар сони йиллар бўйича: 2016-2017 ўқув йили – 603 нафар, 2017-2018 ўқув йили – 1320 нафар, 2018-2019 ўқув йили – 2685 нафар, 2019-2020 ўқув йили – 3593 нафар, 2020-2021 ўқув йили – 4219 нафар, 2021-2022 ўқув йили – 5140 нафарни ташкил қилганлигини қайд қилишимиз мумкин. Бу каби кўрсаткичлар эса республикамызда ҳам бу борадаги илмий тадқиқотларни ўтказиш зарурати юзага келганлигини кўрсатади.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Smith R.A., Khawaja.N.G. (2011). A review of the acculturation experiences of international students. *International Journal of Intercultural Relations*, 35, 699-713
2. <sup>1</sup>Searle W., Ward C. (1990). The prediction of psychological and sociocultural adjustment during cross-cultural transitions. *International Journal of Intercultural Relations*, 14, 449-464.
3. Lin.J.G and J.K.Yi (1997). Asian international students' adjustment: Issues and program suggestions. *College Student Journal*, 31(4): 473-485
4. Ward, C. and A.Kennedy (1999). The measurement of sociocultural adaptation. *International Journal of Intercultural Relations*, 23(4): 659-677.
5. Li, M. and J. Campbell (2005). Cultural adaptation: A case study of Asian students' learning experiences at a New Zealand University. *Proceedings of the EDU-COM 2006 International Conference. Engagement and Empowerment: New Opportunities for Growth in Higher Education. Edith Cowan University, Perth Western Australia, 22-24 November 2006. Retrieved 24 May 2022 from*